

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**МАМАДЖАНОВ ЗОКИР НЕМАТЖАНОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ АЛЮМОСИЛИКАТЛАРНИ СУЛЬФАТ КИСЛОТАЛИ  
ҚАЙТА ИШЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАР АСОСИДА  
КОАГУЛЯНТЛАР ОЛИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Мамаджанов Зокир Нематжанович**

Маҳаллий алюмосиликатларни сульфат кислотали  
қайта ишлаш жараёнларини ўрганиш ва улар  
асосида коагулянтлар олиш..... 3

**Мамаджанов Зокир Нематжанович**

Исследование процессов сернокислотной переработки местных  
алюмосиликатов и получение коагулянтов на их основе ..... 23

**Mamadjanov Zokir**

Investigation of processes of sulfuric  
acid processing of local aluminosilicates  
and obtaining coagulants on their basis ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 46

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**МАМАДЖАНОВ ЗОКИР НЕМАТЖАОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ АЛЮМОСИЛИКАТЛАРНИ СУЛЬФАТ КИСЛОТАЛИ  
ҚАЙТА ИШЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАР АСОСИДА  
КОАГУЛЯНТЛАР ОЛИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/T27 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шамшидинов Исраилжон Тургунович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Намазов Шафоат Саттарович**  
техника фанлари доктори, профессор, академик

**Султонов Боходир Элбекович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «15» май 2018 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (13-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2018 йил «30» апрель куни тарқатилди.  
(2018 йил «30» апрелдаги № 13-рақамли реестр баённомаси).



**Б.С. Закиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

**Д.С. Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

**С. Тухтаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., проф., академик

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги пайтда дунёда коагулянт сифатида кенг тарқалган алюминий сульфат ишлаб чиқариш йилдан-йилга ўсиб бормоқда, у саноатдаги ишлаб чиқариш ва оқава сувларни тозалашда, ичимлик сувларини тайёрлашда, целлюлоза-қоғоз саноатида, шунингдек тери ошлашда ва матоларни бўяшда кенг миқёсда қўлланилади. Шу сабабли саноат ишлаб чиқариши турли хил тармоқларини самарадор коагулянтлар билан таъминлаш кимё саноатининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Коагулянтлар нафақат оқава сувларни тозалаш самарадорлигини оширишда, балки ичимлик сув ҳавзаларидаги сувларни, ИЭС ва саноат ишлаб чиқариши учун сув тозалашда ҳам қўлланилади. Шунинг учун корхоналарни юқори сифатли коагулянтлар билан таъминлаш Ўзбекистон кимё саноатининг устувор масалалардан ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда жаҳонда янги турдаги юқори самарадорликка эга коагулянтлар олиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада саноат ишлаб чиқаришига паст навли хомашё манбаларини қамраб олган ҳолда алюминий сульфат ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва такомиллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги йўналишлардаги мавжуд бир қатор, жумладан қуйидаги йўналишлар бўйича илмий ечимларни асослаш лозим: алюминийли хомашёларни кислотали қайта ишлаш ва алюминий сульфат олишнинг мақбул (оптимал) технологик параметрларини аниқлаш; Ангрен кони каолин гилларини алюминий сульфатга қайта ишлашнинг ресурс ва энергия тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш.

Бугунги кунда Республикамиз кимё саноатида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш корхоналари хомашё базасини кенгайтириш ва улар асосида импортбоп янги маҳсулотлар олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида сезиларли натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг учинчи йўналишида «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантириш<sup>1</sup>»га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, каолин гиллари конларини ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришга қамраб олиш, ишлаб чиқариш корхоналарини керакли кимёвий маҳсулотлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 2 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги

---

<sup>1</sup> «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармон.

Фармонлари, ҳамда 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарори, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техник ва патент адабиётларида алюминийли хомашё манбаларини алюминий сульфат ва бошқа бирикмаларга қайта ишлашнинг катта ҳажмдаги илмий материаллари ва усуллари келтирилган. Алюминийли хомашё ресурсларини қайта ишлаш масалалари билан Запольский А.К., Нуркеев С.С., Телеш А.Д., Смолин А.И., Дудкин Б.Н., Лоухина И.В., Римкевич В.С., Лайнер Ю.А., Салихов Ш.И., Келгинбаев А.А., Исматов А.А. ва бошқалар шуғулланишган.

Алюминийнинг хомашё ресурслари хилма-хил бўлиб, ўзига хос таркибга эга, бир-биридан нафақат алюминий миқдори бўйича, балки бошқа компонентлар миқдори бўйича ҳам фарқ қилади. Шунинг учун ҳар бир турдаги хомашё учун алоҳида илмий ва технологик ечимларни ўтказиш, ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда энг мос келадиган усулларни танлаш керак бўлади. Алюминий сульфат олишнинг маълум бўлган усулларини Ангрен кони каолин гилларини қайта ишлаш учун татбиқ этиб бўлмайди.

Каолин гилларининг захираси, уларни кислотали усуллар билан глинозём ва алюминийнинг бошқа бирикмаларига қайта ишлаш мумкинлиги ҳақида маълумотлар мавжуддир, лекин Ангрен кони каолин гилларидан алюминий сульфат олиш технологияси бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг П-9.44 «Маҳаллий алюмосиликатлардан самарали фойдаланиш» (2003-2005 йй) мавзусидаги амалий лойиҳа, ИОТ-2014-7-9 «Ангрен каолини асосида алюминий сульфат олиш технологиясини жорий этиш» (2014-2015 йй) мавзусидаги инновация тадқиқоти доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** Ангрен кони каолин гилларини самарадор коагулянт – алюминий сульфатга қайта ишлаш жараёнларини аниқлаш ва коагулянт олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

Ангрен кони каолин гилларининг кимёвий ва тузли таркибини ўрганиш;  
алюминий ва темир ажралиш даражасига каолин гилларини куйдириш жараёнининг таъсирини тадқиқ қилиш;

сульфат кислота эритмалари билан алюминий ва темир ажралиш даражасига жараён технологик параметрлари таъсирини тадқиқ қилиш;

суяқ ва қаттиқ фазаларни ажратиш ҳамда шламли қолдиқни ювиш жараёнларини тадқиқ қилиш;

каолин гилларини сульфат кислотали қайта ишлаш технологик схемаларини ишлаб чиқиш, алюминий сульфат олиш моддий ва иссиқлик балансларини тузиш, технологик регламентини тайёрлаш ҳамда алюминий сульфат ишлаб чиқариш самарадорлиги бўйича техник-иқтисодий ҳисобларни амалга ошириш;

Ангрен кони каолин гилларини алюминий сульфатга қайта ишлашнинг яратилган технологиясини саноат ишлаб чиқариши шароитида синовдан ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ангрен кони каолин гиллари, сульфат кислотаси ва алюминий сульфат ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** алюминийли хомашёларни қайта ишлаш ва алюминий сульфат олиш технологиялари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда кимёвий ва физик-кимёвий, жумладан, рентгенографик ва ИК-спектроскопия усуллари қўлланилган.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ангрен каолин гилларини кислотада эрийдиган шакллари ортишига куйдириш ҳароратини таъсири аниқланган;

илк бор каолин гилларини кислотали қайта ишлаш циклининг ўзида кальцийли реагентлардан фойдаланган ҳолда кислоталиликни камайтириш ва алюминий сульфат эритмасини темир бирикмаларидан тозалашнинг шарт-шароитлари аниқланган;

каолин гилларини концентрланган (60-98%) сульфат кислота билан қайта ишлаш ва шламни ювишнинг алюминийни максимал ажралиш даражаси таъминладиган мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланган;

илк бор олдиндан намланган каолин ва концентрланган сульфат кислотадан фойдаланиш ҳисобига такомиллаштирилган усул бўйича маҳсулотнинг максимал унуми билан алюминий сульфат олинган;

Ангрен кони куйдирилган каолинларидан алюминийни концентрланган сульфат кислотада ажратиб олиш йўли билан коагулянт олишнинг энергетик тежамкор технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

коагулянт – алюминий сульфат ишлаб чиқаришга алюминийли маҳаллий хомашё сифатида Ангрен кони каолин гилларидан фойдаланиш имконияти яратилган;

куйдирилган каолинга сув ва концентрланган сульфат кислота билан ишлов бериш орқали Ангрен кони каолин гилларини тўғридан-тўғри сульфат кислотали қайта ишлашнинг такомиллашган технологияси ишлаб чиқилган;

«Qo'qon superfosfat zavodi» АЖда тажриба-саноат ишлаб чиқариш шароитида 5 тонна алюминий сульфат намунаси ишлаб чиқарилган, Наманган вилояти сув тозалаш иншоотларида синовдан ўтказилган ҳамда ичимлик ва оқава сувларни тозалашда коагулянт сифатида фойдаланишга тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий таҳлил натижалари ишлаб чиқилган технологиянинг саноат ишлаб чиқариш шароитидаги қурилмаларда синовдан ўтказилганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ангрен каолин гилларига термик ишлов бериш, уларни концентрланган сульфат кислота билан парчалаш, бўтқалаштириш, филтрлаш, эритмани буғлатиш ва коагулянт – кристалл ҳолатдаги алюминий сульфат олишнинг мақбул шарт-шароитлари илк маротаба аниқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ангрен кони каолинларини алюминий сульфатга қайта ишлашнинг такомиллашган ва энергия тежамкор технологиясини яратилиши билан изоҳланади. Технологияни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришда коагулянтни қўллаш бу маҳсулот импортини бартараф этиш имкониятини яратади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ангрен кони каолинларини алюминий сульфатга қайта ишлаш бўйича олинган илмий натижалар ва техник ечимлар асосида:

алюминий сульфат олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ихтирога патент олинган (№ IAP 05574). Натижада куйдирилган ва олдиндан намланган каолинни концентрланган сульфат кислота билан парчалаш, сув билан бўтқалаштириш, бўтқани филтрлаш, эритмани буғлатиш ва маҳсулотни кристаллантириш йўли билан коагулянт – алюминий сульфат олиш имконини берган;

Ангрен кони каолин гилларини алюминий сульфатга қайта ишлаш технологияси «Qo'qon superfosfat zavodi» АЖДа амалиётга жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2018 йил 15 мартдаги 01/3-1066/П-сон маълумотномаси). Натижада республикамиздаги маҳаллий алюминийли хомашё – Ангрен кони каолинларидан илк маротаба алюминий сульфат асосидаги самарадор коагулянт олиш имконини берган;

коагулянт – алюминий сульфат Наманган вилояти “Сувоқава” давлат унитар корхонасида ичимлик сувларини тозалашда фойдаланилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2018 йил 15 мартдаги 01/3-1066/П-сон маълумотномаси). Натижада коагуляция хусусиятига кўра импорт қилинадиган коагулянтлардан қолишмайдиган ва таннархи 2,5 марта арзон бўлган маҳсулот олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 5 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та ихтиро учун патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Алюминий сульфат ишлаб чиқариш соҳасининг ҳозирги замондаги ҳолати**» деб номланган **биринчи бобида** паст навли алюминийли хомашё манбаларидан ҳозирги пайтдаги ва келажакдаги фойдаланиш ҳолати келтириб ўтилган. Ўзбекистондаги турли хил конлар алюминийли хомашёларига тавсиф келтирилган. Турли хил алюминийли хомашё манбаларини алюминий сульфатга қайта ишлаш масалалари кўриб чиқилган. Алюминий сульфат олиш соҳасидаги илмий-техник ва патент адабиётларининг таҳлили ўтказилган. Адабиёт материалларининг танқидий таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг кимёвий ва физик-кимёвий усуллари**» деб номланган **иккинчи боби** ишлатиладиган Ангрен кони каолин гилларининг тавсифига бағишланган, турли хил каолинларнинг таркиби, тажрибаларни ўтказиш услублари, шунингдек тадқиқотнинг кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари келтирилган.

«**Ангрен кони каолинларидан алюминий сульфат олиш жараёнининг тадқиқи**» деб номланган **учинчи боби** Ангрен кони каолинларини сульфат кислотали усул билан қайта ишлашга бағишланган.

Тадқиқот учун таркибида (оғ. %):  $Al_2O_3 = 21,73$ ,  $Fe_2O_3 = 1,68$ ,  $SiO_2 = 65,2$ ,  $TiO_2 = 0,4$ ,  $CaO = 0,4$ ,  $MgO = 0,65$ ,  $R_2O = 0,8$ ,  $SO_3 = 0,6$ , бошқалар = 8,5. бўлган Ангрен кони каолини ишлатилди.

Каолин  $400^{\circ}C$  дан  $800^{\circ}C$  гача ҳароратда 60-180 минут давомида куйдирилди ва оғирлик камайиши аниқланди. Куйдирилган масса 60% ли сульфат кислота билан  $80^{\circ}C$  ҳароратда 60 минут давомида ва  $Al_2O_3$  ни  $Al_2(SO_4)_3$  ҳолатида боғлаш учун сульфат кислотанинг 100% лик стехиометрик меъёрида парчalandи. 1-жадвалда  $80^{\circ}C$  ҳарорат ва жараён давомийлиги 1 соат бўлганда 60% ли сульфат кислота билан кислотанинг 100% меъёрида темир ва алюминий оксидлари ажралиш даражасига куйдириш ҳароратининг таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Жадвалдан кўринадикки,  $400$  ва  $500^{\circ}C$  ли куйдириш ҳарорати Ангрен кони каолинларидаги алюминий ва темирни кислотада эрийдиган шакли микдорининг ўзгаришига амалда таъсир кўрсатмайди. Кўрсатиб ўтилган

технологик параметрларда алюминий оксиднинг максимал ажралиш даражаси куйдиришнинг 650-700<sup>o</sup>C хароратида кузатилади. Бунда ажралиш даражаси 95,8-96,2% ни ташкил этади, дашқолдаги алюминий оксиднинг қолдиқ миқдори 4,34% ни ташкил қилади, бошланғич каолиндаги темирнинг миқдорининг 1,2% ажратиб олинади.

Куйдириш хароратининг 750-800<sup>o</sup>C гача кўтарилиши алюминий ажралиш даражасининг мувофиқ ҳолда 71,7 ва 49,5% гача камайишига олиб келади.

Куйдиришда масса йўқотилиши 400<sup>o</sup>C да 2,0-2,8% дан 700<sup>o</sup>C да 9,4-9,6% гача ортади.

Куйдириш давомийлиги 30 минутдан 180 минутга узайтирилганда алюминий ажралиш даражаси 56,5% дан 96,1% гача ортади, бунда темирни ажралиш даражаси 81,8% га етади. Куйдириш давомийлигини 1 соатдан ортиқ узайтирилиши алюминий ва темир ажралиш даражасига амалда таъсир кўрсатмайди.

### 1-жадвал

#### Алюминий ва темир оксидларининг ажралиш даражаси ва кислотада эрийдиган шакли миқдorigа куйдириш харорати ва давомийлигининг таъсири

t, <sup>o</sup> C	Куйдириш вақти, минут	Масса йўқотилиши %	Кислотада эрийдиган шакли миқдори, оғ. %.		Ажралиш даражаси, %	
			Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> бўйича	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> бўйича	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> бўйича	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> бўйича
400	60	2,0	1,77	0,55	10,6	42,5
400	120	2,8	2,09	0,62	12,5	48,3
500	60	5,4	12,27	0,73	48,4	56,7
500	120	6,4	13,17	0,79	52,8	61,2
550	60	7,1	15,50	0,93	78,7	71,6
600	60	7,6	15,72	1,01	94,1	78,5
600	120	8,0	15,93	1,06	95,3	81,8
650	60	9,2	16,01	1,07	95,8	83,1
700	60	9,4	16,08	0,75	96,2	57,9
700	120	9,6	15,31	0,67	91,6	52,2
750	60	9,6	11,98	0,60	71,7	46,8
800	60	9,6	8,27	0,57	49,5	44,1

Кейинги тадқиқотлар 650-700<sup>o</sup>C да 1 соат давомида куйдирилган каолинни сульфат кислота эритмалари билан парчалашга қаратилган. Алюминий ва темир оксидлари ажралиш даражасига сульфат кислота концентрацияси ва меъёрининг, парчаланиш жараёни харорати ва давомийлигининг таъсири ўрганилган.

Алюминий оксид максимал ажралиш даражаси сульфат кислотанинг 60% ли концентрациясида кузатилади. Бунда алюминийнинг ажралиш даражаси 97,1% ни, темир оксидининг ажралиш даражаси эса 82,5% ни ташкил этади.

Сульфат кислотанинг 60% ли концентрациясигача алюминий ва темирнинг ажралиш даражаси ортади. Масалан, кислота концентрацияси

40% бўлганда ажралиш даражаси алюминий учун 54,8% ни, темир учун эса 73,3% ни ташкил этади. Концентрациянинг оширилиши билан темирнинг ажралиш даражаси сезиларли даражада ортади. Лекин, сульфат кислота концентрацияси 60% дан ортганда алюминий ажралиш даражасига нисбатан темирнинг ажралиш даражаси тезроқ камаяди. Кислотанинг 60% дан юқори концентрациясида алюминий ажралиш даражасининг камайишини системанинг алюминий сульфат тузи билан тўйиниши ва унинг каолин сиртида кристалланиши натижасида хомашё заррачаларига сульфат кислотани диффузияланишига тўсқинлик қилиши орқали тушунтириш мумкин. Темир ажралиш даражасининг нисбатан кескин пасайишини темирнинг концентранган кислота билан таъсирлашуви қийинлашиши билан тушунтирилади.

Сульфат кислота концентрацияси ортиб бориши билан алюминий ва темир оксидлари ажралиш даражаси ортиб боради ҳамда мувофиқ ҳолда 78,2-99,8% ва 84,6-88,8% қийматгача этади. Лекин сульфат кислота концентрацияси 50% дан 60% гача ортганда эритмага темир оксидларининг ўтиши камаяди. Масалан, сульфат кислотанинг 100% лик меъёрида алюминий оксиднинг ажралиш даражаси 75,7 дан 97,1% гача ортади, бунда темир оксидининг ажралиш даражаси эса 83,5 дан 82,5% гача камаяди.

Парчалаш жараёни давомийлиги узайтирилиши билан темир ва алюминий оксидлари ажралиш даражаси ортади. Алюминий оксиднинг ажралиш даражаси жараён давомийлиги 30 минут бўлганда 75,5% дан 3 соат бўлганда 97,4% гача ортади.

Ҳароратнинг ортиши алюминий оксид ажралиш даражасининг ортишига олиб келади. Масалан, ҳарорат 80<sup>o</sup>C дан 110<sup>o</sup>C гача кўтарилганда алюминий оксиднинг ажралиш даражаси 97,1% дан 98,2% гача ортади. Бунда темир оксидининг ажралиш даражаси 82,5% дан 73,6% гача камаяди.

Адабиётларда берилган маълумотларга мувофиқ равишда ҳарорат 50<sup>o</sup>C гача оширилганда темир сульфатнинг эрувчанлигини ортиши ва 50<sup>o</sup>C дан бошлаб гидролизланиш бориши ҳисобига мос ҳолда темир ажралишининг кескин камайишини кузатиш мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, бунда алюминий сульфат гидролизланмайди, шунинг учун ҳароратнинг ортиши билан алюминий сульфатнинг эрувчанлиги бир меъёрда ортади.

Сульфат кислота билан каолидан алюминий оксидни ажратиб олишнинг мақбул (оптимал) технологик кўрсаткичлари қуйидагича бўлади: кислота концентрацияси 60%, кислота меъёри 100%, жараён ҳарорати 80<sup>o</sup>C дан паст эмас, жараён давомийлиги 1 соатдан кам эмас.

650-700<sup>o</sup>C ҳароратда куйдирилган каолин парчалаш жараёнининг мақбул (оптимал) технологик параметрлари шароитида парчаланганда сульфат тузлари ва каолинни парчаланмай қолган қисми – шламдан иборат қийин ажраладиган масса ҳосил бўлади. Бу аралашмани ажратиш учун сув билан сувда эрийдиган қисмини эритиш ва сув улушини камайтириб борган ҳолда босқичма-босқич шламни уч босқичда ювиш амалга оширилди. Каолин:сув нинг умумий нисбати 1:10 ни ташкил этди. Эритиш ва ювишнинг биринчи босқичида бошланғич каолинга нисбатан С:Қ нисбати 1:5, иккинчи

босқичда 1:3 ва учинчи босқичда эса 1:2 нисбатни ташкил қилди. Ҳар бир босқичнинг давомийлиги 60 минутни ташкил этди. Белгиланган вақт тугагандан сўнг бўтқа филтрлаш қурилмасида  $-0,9 \text{ kgf/cm}^2$  ваакуум шароитида филтрланди.

2-жадвалда ҳар бир босқичдан сўнг олинган ювинди эритманинг кимёвий таркиби, бўтқани филтрланиш тезлиги ва алюминий оксиднинг ажралиш даражаси келтирилган.

Жадвалларни таҳлили шуни кўрсатадики, парчаланган маҳсулот Қ:С = 1:5 нисбатида сув билан бўтқалангандан сўнг таркибида 4,72% алюминий оксид, 0,33% темир оксиди бўлган асосий филтрат олинади. Алюминий оксиднинг ажралиш даражаси 79,0% ни ташкил этади. Чўкма Қ:С = 1:3,5 нисбатда ювилганда асосий филтрат таркибида 6,70%  $\text{Al}_2\text{O}_3$  ва 0,46%  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  бўлади. Алюминий оксиднинг ажралиш даражаси 78,2% ни ташкил этади. Қ:С = 1:2,5 гача суюлтирилтириш орқали таркибида 8,97%  $\text{Al}_2\text{O}_3$  ва 0,62%  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  бўлган филтрат олиш таъминланади. Олинган маълумотлардан кўриш мумкинки, Қ:С нисбатнинг камайиши асосий филтратдаги алюминий ва темир оксидлари концентрациясининг ортишига, шу билан бир вақтда каолиндан асосий филтратга алюминий оксид ажралишини камайишига олиб келади.

## 2-жадвал

### Ювинди эритманинг кимёвий таркиби, бўтқани филтрланиш тезлиги ва алюминий оксиднинг ажралиш даражасига эритиш – ювиш жараёнининг таъсири

№	Бўтқа С:Қ нисбати	Филтратнинг кимёвий таркиби, оғ. %			Филтрланиш тезлиги, кг/м <sup>2</sup> ·с			Зичлиги, г/см <sup>3</sup>	$\text{Al}_2\text{O}_3$ ажрали ш даража си, %
		$\text{Al}_2\text{O}_3$	$\text{Fe}_2\text{O}_3$	$\text{H}_2\text{SO}_4$	Бўтқа бўйича	Нам чўкма бўйича	Эритма бўйича		
Асосий филтратни олишда									
1	1:5,0	4,72	0,33	0,15	429,9	118,7	358,3	1,175	79,0
2	1:3,5	6,70	0,46	0,22	387,6	157,6	219,4	1,248	78,2
3	1:2,5	8,97	0,62	0,29	376,5	164,4	195,6	1,331	76,5
Шламни 1-ювишдан сўнг филтрат олишда									
1	1:1,71	3,03	0,21	0,10	-	-	293,7	1,108	15,5
2	1:1,68	3,27	0,22	0,10	-	-	291,1	1,109	15,7
3	1:1,70	3,46	0,24	0,11	-	-	289,4	1,115	16,5
Шламни 2-ювишдан сўнг филтрат олишда									
1	1:1,12	1,33	0,09	0,04	-	-	354,6	1,035	3,2
2	1:1,15	1,35	0,09	0,04	-	-	353,5	1,037	3,3
3	1:1,17	1,34	0,09	0,04	-	-	352,3	1,036	3,3

Чўкмани Қ:С = 1:1,7 да биринчи ювилишидан сўнг ювинди эритма таркибида 3,03-3,46%  $\text{Al}_2\text{O}_3$  ва 0,21-0,24%  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  бўлади. Биринчи ювинди эритмага алюминий оксиднинг ўтиш даражаси 15,5-16,5% ни ташкил этади. Қ:С = 1:1,15 да иккинчи ювилишидан сўнг ювинди сув таркибида сульфат тузлари тарзида 1,33-1,35% алюминий оксид ва 0,09% темир оксид бўлади.

Эритмага ажраладиган алюминий сульфатнинг умумий унуми 96,3-97,7% ни ташкил этади. Парчалаш маҳсулоти Қ:С = 1:5 нисбатида бўтқаланганда максимал унум 97,7% кузатилади.

Бўтқа ва эритма бўйича филтрлаш тезлиги бўйича маълумотлар Қ:С нисбатининг камайиши билан улар қийматининг камайиб боришини кўрсатади. Масалан, асосий филтратнинг филтрланиш тезлиги бўтқа бўйича Қ:С = 1:5 да 429,9, Қ:С = 1:3,5 да 387,6 ва Қ:С = 1:2,5 да 376,5 кг/м<sup>2</sup>·с ни ташкил этади, эритма бўйича 358,3 дан 195,6 кг/м<sup>2</sup>·с гача камаяди. Бунда филтрда ҳосил бўладиган нам чўкма миқдори филтрнинг ҳар бир квадрат метрида соатига 118,7 кг дан 157,6 кг ва 164,4 кг гача ортади. Ювинди эритмаларнинг филтрланиш тезлиги эритма бўйича деярли бир хил ва биринчи ювишдан сўнг 289,4-293,7 кг/м<sup>2</sup>·с ни, иккинчи ювишдан сўнг эса 352,3-354,6 кг/м<sup>2</sup>·с ни ташкил этади.

Алюминий сульфат олиш учун асосий филтрат ва ювинди эритмалар бирлаштирилди ҳамда буғлатилди.

Буғланадиган сув миқдори ортиб бориши билан алюминий оксид бўйича ҳам, темир оксиди бўйича ҳам концентрация ортади. 30% сув буғлангандан сўнг алюминий оксид миқдори 12,81% ни, темир оксид миқдори эса 0,89% ни ташкил этади, алюминий сульфат бирикмасининг концентрацияси 40,44% га этади. Алюминий сульфат концентрацияси ортиб бориши билан буғлатилган эритмалар зичлиги ва қовушқоқлиги ортади. 30% сув буғлатилганда эритма зичлиги 1,326 г/см<sup>3</sup> дан 1,54 г/см<sup>3</sup> гача ва 45% гача сув буғлатилганда эса 1,680 г/см<sup>3</sup> гача ортади. Бунда эритма қовушқоқлиги мос ҳолда 2,01 дан 6,25 ва 31,53 сПз гача ортади (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Алюминий сульфат буғлатилган эритмаси кимёвий таркиби ва реологик хоссаларига асосий филтрат буғлатиш жараёнининг таъсири

Масса йўқотилиши, %	Буғлатилган эритма кимёвий таркиби, %			80 <sup>o</sup> С даги зичлик, г/см <sup>3</sup>	80 <sup>o</sup> С даги қовушқоқлик, сПз
	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Al <sub>2</sub> (SO <sub>4</sub> ) <sub>3</sub>		
0	8,97	0,62	28,32	1,326	2,01
10	9,96	0,69	31,44	1,384	2,73
20	11,23	0,78	35,45	1,452	4,19
30	12,81	0,89	40,44	1,541	6,25
40	14,95	1,03	47,20	1,629	12,55
45	16,49	1,15	52,06	1,680	31,53

Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, 650-700<sup>o</sup>С да куйдирилган Ангрен каолинини 60% ли сульфат кислота билан унинг 100% лик стехиометрик меъёрида 1 соат давомида парчалаш ва сўнгра сув билан бўтқалаштириш, парчалаш маҳсулотини С:Қ = 1:10 нисбатда уч боскичда ювиш ҳамда ҳосил қилинган эритмани буғлатиш орқали таркибида 40,44-52,06% алюминий сульфат бўлган эритма олиш мумкин.

Куйдирилган каолин сульфат кислота билан парчаланганда ва бўтқалаштирилгандан ҳамда ювилгандан сўнг эритмага 80% гача алюминий оксидни ажратиш олиш мумкин. Лекин, 50-60% ли сульфат кислотанинг 100-105% меъёрида алюминий оксид унуми озгина ортгани ҳолда эритмадаги темир оксиди камайиб бориши билан эркин сульфат кислота миқдори ортиб боради.

Эркин кислоталилик ва темир бирикмалари миқдорини камайтириш учун каолинни сульфат кислотали парчалаш маҳсулотларини бўтқалаштиришда айланма эритма билан биргаликда эркин кислоталиликни кальций сульфат ва темирни гидроксид тарзида боғлаш ҳисобидан кальций карбонат, оксид ёки гидроксид киритилди.

Кальций бирикмалари тарзида киритиладиган кальций оксид меъёри 75% дан 105% гача ортиб бориши билан сульфат кислота миқдори 0,25-0,27% дан 0,01-0,02% гача камаяди. Лекин, бунда алюминий оксид миқдори ҳам сезиларли даражада 15,02-16,45% дан 14,84-15,61% гача, темир оксид миқдори 0,36 дан 0,03-0,07% гача камаяди. Бунда алюминий оксид унуми 95,78-95,88% дан 86,82-87,19% гача камаяди. Алюминийнинг чўкиш даражаси 0,12-0,23% дан 9,18-9,56% гача ортади, темирники эса 93,15-97,55% гача етади.

Алюминий сульфат эритмасини олиш учун алюминий оксид йўқотилишини камайтириш мақсадида чўктирувчи реагент миқдорини 100% дан оширмаслик керак. Кальцийли реагент иштирок этиши парчалаш жараёни технологик кўрсаткичларига амалда таъсир кўрсатмайди.

Шламдаги алюминий оксид миқдори асосий филтрат ажратилгандан сўнг 3,24-3,45% ни, биринчи ювишдан сўнг 0,90-1,16% ни ва иккинчи ювишдан сўнг 0,38-0,58% ни ташкил этади. Иккинчи ювишдан сўнг нам шлам унуми 30,4-36,7%, қуруқ шлам унуми эса 23,4-27,3% ни ташкил қилади.

Ангрен каолинини сульфат кислотали парчалаш жараёнини мақбуллаштириш (оптималлаштириш) ва маҳсулотнинг (алюминий сульфатнинг) максимал унумини аниқлаш мақсадида тажрибани режалаштиришнинг статик усули қўлланилди.

Қуйидаги регрессия тенгламаси олинди:

$$Y = 79,1 + 4,5X_1 - 7,2X_3 + 4,0X_4 + 2,6X_3X_4$$


Термик қайта ишланган ( $650^{\circ}\text{C}$  да) Ангрен каолинларини сульфат кислота эритмалари билан (унинг концентрацияси 60%) 100% стехиометрик меъёрда парчалаш орқали назорат тажрибаси ўтказилди. Бунда парчалаш ҳарорати  $80^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этди.

Тажрибада аниқланган маҳсулот унуми ( $Y$ ) 96,2% ни ташкил қилди.

Ангрен каолин гилларини сульфат кислотали парчалашда ҳосил бўладиган маҳсулот массасидан алюминий сульфатни ажратиш олиш учун сув билан  $\text{C}:\text{Қ} = 1:5$  нисбатида бўтқалаштирилди ва сувда эрийдиган тузлар эриши учун 30 минут давомида аралаштириб турилди. Ҳосил қилинган суспензия тиндиришга қўйилди. Тиндириш жараёнини тезлатиш учун 25 мл

микдордаги 0,01% дан 0,1% гача концентрацияли полиакриламиднинг (ПАА) сувли эритмасидан фойдаланилди. Суспензияни тиндириш ва полиакриламид иштирокида тиндириш бўйича олинган натижалар 1-расмда келтирилган.

1-расмдан кўринадик, бўтқаланган суспензияга полиакриламид киритилганда суспензиянинг тинилиш даражаси ортади. 0,01% концентрацияли ПАА киритилганда 0,1% концентрацияли ПАА ва ПАА иштирокисиз тиндиришга нисбатан яхши натижалар олиншини кўрсатди. Масалан, 0,1% ли ПАА эритмаси қўлланилганда суспензиянинг тинилиш даражаси 30 минутдан сўнг 62% ни, 0,01% концентрацияли ПАА қўлланилганда 69% ни ва ПАА иштирокисиз 48% ни ташкил этади. Тиндириш жараёни давомийлигини 60 минутгача узайтириш тинилиш даражасига катта таъсир кўрсатмайди. Тинилиш даражасининг ортиши 7-9% ни ташкил этади ва 55-69% дан ортмайди.



**1-расм. Суспензия тинилиш даражасига жараён давомийлигининг таъсири: 1-ПАА иштирокисиз, 2-0,01% ПАА, 3-0,1% ПАА.**

ча 295,4 дан 358,3 кг/м<sup>2</sup>·с гача, қуюқлаштирилган чўкма бўйича эса 242,1 дан 293,7 кг/м<sup>2</sup>·с гача оширади. Бу суспензия ва қуюқлаштирилган чўкмани иложи борича юқори ҳароратда ўтказиш лозимлигини кўрсатади.

Ўтказилган тадқиқотлар «Qo`qon superfosfat zavodi» АЖ марказий завод лабораторияси тажриба қурилмасида алюминий сульфат олишнинг яратилган усулини синаш учун илмий асос вазифасини ўтади.

Коагулянт – алюминий сульфат олиш технологик жараёнининг моҳияти каолин гилларини олдиндан термик қайта ишлаш, уни сульфат кислотали парчалаш, олинган суспензияни бегона ва айниқса ҳалақит берадиган қўшимчалардан тозалаш, сўнгра буғлатиш, кристаллантириш ва алюминий сульфат кристалларни ажратиб олишдан иборатдир.

Синовлар ўтказишда асосий моддани максимал ажратиб олиш даражасига етказиш учун реакторга алюминий ва темир сульфатлари ҳосил бўлиши ҳисобидан 60% концентрацияли сульфат кислота эритмаси билан

Кўрииб туриб-дики, тинилиш даражаси 70% дан ортмайди, шунинг учун суспензиянинг суюқ фазаси тез чўкадиган қисмидан декантация-лаш орқали қуюқлаштирилган чўкмадан ажратилгандан сўнг жараён ҳароратига боғлиқ ҳолда филтрлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

Ҳароратнинг 50<sup>o</sup>С дан 80<sup>o</sup>С гача ортиши декантациядан сўнг суспензияни филтрлаш тезлигини эритма бўйи-

бир пайтда 650-700<sup>0</sup>С да куйдирилган ҳисобланган миқдордаги каолин тенг тақсимланган ҳолда киритилди. Парчалаш жараёни давомийлиги 1 соатни ташкил этди. Сўнгра масса сув билан суюлтирилди, CaCO<sub>3</sub> киритилди, қаттиқ фаза суюқ фазадан ажратилди, икки қайта сув билан ювилди, асосий филтрат ва ювинди эритмалар бирлаштирилди, буғлатилди ва алюминий сульфатнинг кристалланиши амалга оширилди.

Натижада куйидаги сифат кўрсаткичи билан тавсифланадиган маҳсулотлар олинди (оғ. %): АКФ-78 (бирламчи, бойитилган) маркали каолидан – Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> = 15,8; Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> = 0,5; SO<sub>3</sub> = 36,7; H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub><sub>эркин</sub> = 0,1; H<sub>2</sub>O (гигр.) = 0,63; АКС-30 (бирламчи, бойитилган) маркали каолидан – Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> = 15,1; Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> = 0,3; SO<sub>3</sub> = 36,1; H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub><sub>эркин</sub> = 0,08; H<sub>2</sub>O (гигр.) = 0,35; АКТ-10 (бирламчи, бойитилган) маркали каолидан – Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> = 11,4; Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> = 3,5; SO<sub>3</sub> = 31,8; H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub><sub>эркин</sub> = 0,15; H<sub>2</sub>O (гигр.) = 1,76; бирламчи, бойитилмаган каолидан – Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> = 14,6; Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> = 0,9; SO<sub>3</sub> = 35,7; H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub><sub>эркин</sub> = 0,1; H<sub>2</sub>O (гигр.) = 1,51; иккиламчи, бойитилмаган каолидан – Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> = 14,1; Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> = 1,31; SO<sub>3</sub> = 35,3; H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub><sub>эркин</sub> = 0,1; H<sub>2</sub>O (гигр.) = 0,82.

«Qo`qon superfosfat zavodi» АЖ тажриба қурилмасида Ангрен каолинидан коагулянт – алюминий сульфат олишнинг синов натижалари Ангрен конининг турли хилдаги каолинларини алюминий сульфатга қайта ишлаш мумкинлигини кўрсатди. Олинган маҳсулотлар таркибида 11,4-15,8% алюминий оксид, 0,3-3,5% темир оксид ва 0,08-0,15% эркин сульфат кислота бўлади.

**«Ангрен кони каолинларини алюминий сульфатга қайта ишлаш бўйича технологик тадқиқотлар»** деб номланган тўртинчи боби Ангрен кони каолин гилларидан алюминий сульфат олиш технологик тадқиқотларига бағишланган.


Ўтказилган тадқиқотлар, алюминий сульфат олишнинг яратилган усулини лаборатория шароитида синовдан ўтказиш Ангрен кони каолинларини алюминий сульфатга қайта ишлаш технологик схемасини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади, у 2-расмда келтирилган.

Автотранспорт билан келтирилган каолин очиқ майдонга туширилади ва осма ковшли кран ёрдамида каолин омборига ўтказилади. Омбордан транспортёр лентаси (тасв. 1) ёрдамида каолинни икки валли тегирмон – тошмайдалагичга (тасв. 2) узатилади ва сўнгра элеватор (тасв. 3) ёрдамида бункерга (тасв. 4) ва куйдириш печига (тасв. 5) келиб тушади, у ерда газ-ҳаволи камера (тасв. 6) қиздирувчи газлари билан 650-700<sup>0</sup>С ҳароратда куйдирилади.

Чиқинди чанг-газли аралашма куйруқ вентилятор ёрдамида циклонларга (тасв. 23) сўриб олинади ва мўрили қувур (тасв. 24) орқали атмосферага чиқариб юборилади.

Куйдирилган руда транспортёр (тасв. 7) ёрдамида реакторга (тасв. 8) келиб тушади, у ерга 60% концентрацияли сульфат кислота келиб тушади. Реакторда каолиннинг сульфат кислота эритмаси билан таъсирлашув реакцияси 80-100<sup>0</sup>С ҳароратда 1 соат давом этади. Аралашма реактордан сўнг аралаштиргичга (тасв. 11) келиб тушади, у ерга руда:сув = 1:1, яъни. С:Қ

= 3 оғирлик нисбатида айланма эритма узатилади ва 1 соат давомида аралаштириб турилади. Бунда ҳосил бўладиган туз – алюминий сульфат сувда яхши эрийди ва эритмага ўтади. Бўтқа тиндиргичлардан (тасв. 13) бирига келиб тушади, у ерда 1 соат давомида тиндирилади.



**2-расм. Каолинни алюминий сульфатга қайта ишлаш технологик схемаси:**

1 – транспортер; 2 – тошмайдалагич; 3 – элеватор; 4 – меъёрлагич-бункер; 5 – печь; 6,16 – газ-ҳаволи камера; 7 – транспортер; 8 – реактор; 9 – сув учун идиш; 10 – сульфат кислота учун идиш; 11 – аралаштиргич; 12 – сув учун қуйиш баки; 13 – тиндиргичлар; 14 – йиғгич; 15 – барботажли буғлатиш жиҳози; 17 – кристаллагич; 18 – қадоқлаш; 19 – йиғгич; 20 – барабан филтър; 21 – насослар; 22 – ўра; 23 – циклонлар; 24 – мўрили кувур.


Тинилган эритма (бўтқанинг  $\frac{1}{2}$  қисми) йиғгичга (тасв. 14) қуйиб олинади, тиндиргичга эса руда:сув = 1:3 га мувофиқ келадиган миқдордаги сув қуйилади, сўнгра 1 соат ушлаб турилади ва тинилган эритма ( $\frac{1}{2}$  қисм) йиғгичга (тасв. 14) қуйиб олинади ҳамда руда:сув = 1:2 га мувофиқ келадиган миқдордаги сув қуйилади ва 2 соат ушлаб турилади. Тинилган  $\frac{1}{2}$  қисм эритма йиғгичга (тасв. 14) қуйиб олинади.

Қуйилтирилган бўтқа йиғгичга (тасв. 19) йиғилади ва насос (тасв. 21) билан барабанли филтрга (тасв. 20) узатиб берилади. Шламли чўкма филтлда сув билан икки қайта ювилади ва шлам йиғгичга юборилади. Филтрат йиғгичга (тасв. 14) юборилади ва ювинди сув аралаштиргичга (тасв. 11) бўтқалаштиришга қайтарилади.

Алюминий сульфат эритмаси йиғгичдан (тасв. 14) насос (тасв. 21) ёрдамида барботажли буғлатиш жиҳозига (тасв. 15) узатилади, у ерда эритманинг  $\frac{4}{5}$  қисми буғлатилади. Тўйинган эритма буғлатиш жиҳозида лентали кристаллантиргичга (тасв. 17) тушади. Кристаллар қадоқлашга берилади. Қадоқланган маҳсулот электрокарада омборга юборилади.

